

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди


№ 400.5-46

20 13 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг

20 13 йил "20" декабр даги

484- сонли буйруғи билан тасдиқланган



“ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА КАДАСТР”

олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари
умумкасибий ва ихтисослик фанлари педагоглари учун малака ошириш
курсининг дастури

Тошкент – 2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ

Малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича
ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг
2013 йил декабрдаги 5- сонли баённомаси билан маъқулланган.

Тузувчилар: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов- ТДПУ хузуридаги тармоқ маркази директори
п.ф.н. Ф.Т.Эсанбобоев- ЎзМУ хузуридаги минақавий марказ директори
т.ф.н., доц. Х.М. Мубораков г.ф.н., доц. А.Эгамбердиев, т.ф.н., доц. З.Д. Охунов, г.ф.н., доц. Ж. Каробоев, к. ўқ. И. Ихлосов, к. ўқ. И. Абдуллаевлар – ЎзМУ, География факультети, “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси

Такризчилар: г.ф.д., проф. Т. Мирзалиев-ЎзМУ, География факультети, “Геодезия, картография ва кадастр кафедраси
г.ф.д., проф. Э.Ю. Сафаров- ЎзМУ, География факультети, “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси

Ўқув дастурлари Тошкент давлат техника университети Илмий кенгашида тавсия қилинган (2013 йил 19 декабрдаги _____-сонли баённома).

Кириш

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини аниқлаш, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малакаси ва кўникмаларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларнинг педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларни амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Умумий тайёргарлик модули:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари.
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.
- ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.

Умумкасбий тайёргарлик модули:

- Олий таълим педагогикаси ва психологияси.
- Электрон педагогика асослари.

- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.
- Амалий хорижий тил.
- Тестология асослари.
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.
- Ахборот хавфсизлиги.

Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Давлат кадастри, яратиш ва юритишнинг долзарб масалалари.
- Картографиянинг асосий назарий ва амалий масалалари.
- Геодезиянинг асосий назарий ва амалий масалалари.

Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Кўчмас мулк объектларини кадастр баҳосини аниқлашнинг замонавий усуллари.
- Геодезия, картография ва кадастр фанларини ўқитишдаги инновациялар.

Танлов фанлари модули.

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари “Геодезия, картография ва кадастр» таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Геодезия, картография ва кадастр» таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб масалалари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни;

- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
- таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- геодезиянинг асосий назарий ва амалий муаммолар;
- ернинг шакли ва ўлчамларини замонавий техника ва технологиялари;
- геодезик тармоқларни анънавий ва замонавий усулларда ривожлантириш масалалари.
- давлат сунъий йўлдош геодезия тармоқлари, уларни барпо этиш масалалари. Ер усти геодезик-топографик съемкаларни замонавий электрон ўлчам асбоблари ва технологиялари;
- давлат кадастрлари ягона тизимининг назарий асосларини;
- давлат кадастрлари объектларини;
- давлат кадастрлари ягона тизимга кирувчи кадастрларни юритиш услубларини;
- кадастрлар тизимидаги йўналишларнинг ўзига хос томонларини;
- жисмоний ва юридик шахсларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқи турларини;
- ер ҳуқуқига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлашни;
- давлат кадастрлари яратиш ва юритиш тартибини;
- кўчмас мулк давлат кадастрини ятариш ва юритишнинг норматив ҳуқуқий асосларини **билиши керак.**

Тингловчи:

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;
- таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва прогноз қилиш;
- таълим сифатини назорат қила олиш;
- ўқув-методик ҳужжатларни ярата олиш;
- таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятга инновацияларни татбиқ этишнинг самарали шакллари танлаш;
- электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- педагогларда касбий компетентликни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- шахсий педагогик ва методологик маданиятни ривожлантириш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;

- ернинг шакли ва ўлчамларини замонавий техника ва технологияларидан фойдаланиш;
- ер усти геодезик-топографик съемкаларни замонавий электрон ўлчам асбоблари ва технологияларидан фойдаланиб бажариш;
- давлат кадастрларини яратиш ва юритишда давлат бошқаруви;
- давлат кадастрлари ягона тизимининг кирувчи давлат кадастрларининг вазифалари;
- маълумотларни йиғиш ва олинган натижалардан фойдаланиш;
- ер тоифалари ва турларини тавсифлаш;
- олинган натижалардан фойдаланиш олиш;
- давлат кадастрларининг томонидан бажариладиган ишларни амалга ошириш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

Тингловчи:

- педагогик мониторинг олиб бориш;
- мутахассислик фанлари диагностикасининг замонавий методларидан фойдаланиш;
- мутахассислик фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- кадастр объектларига бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;
- кадастр объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш;
- кадастр объектларини сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолаш;
- кадастрга доир ахборотни тизимга солиш, сақлаш ва янгилаб бориш;
- кадастр объектларининг ҳолати ҳақида ҳисоботлар тузиш;
- давлат кадастрлари ягона тизимига киритиш учун тегишли ахборот тақдим этиш;
- фойдаланувчиларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кадастрга доир ахборот билан таъминлаш ишларини олиб бориш **малакаларига эга бўлиши зарур.**

- **Курсни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Модуллارни ўқитишда дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гуруҳларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш курси 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкмаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

**“Геодезия, картография ва кадастр” малака ошириш курсининг
ўқув модуллари ва уларнинг таркиби мазмуни
I. Умумий тайёргарлик модули**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим–тарбия масалалари

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндашувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг сиёсий институтлар, ғоялар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамият ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини демократлаштириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият қуришнинг муҳим шартини ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти эканлиги. Мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидаги замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемократик принципларга асосланиши. Миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фан дастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

1.3. ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.

Умумий сифат менежменти тушунчаси, унсурлари, асосий ғояси ва тамойиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва бошқичлари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёнининг сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳиятини баҳолаш мезонлари. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битирувчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. Олий таълим муассасаларининг рейтинги. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

Таълимдаги инновацион технологиялар. Олий таълим муассасасида ўқув-услубий фаолиятни модернизациялашнинг асосий йўналишлари.

Инновацион таълим технологияларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш. Халқаро ҳамкорлик ва хориж тажрибаси. Профессор-ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари, чет тиллар ва педагогик технологиялар бўйича саводхонлигининг ошириш масалалари.

Олий таълимнинг электрон ахборот-ресурслари ва замонавий ўқув адабиётлари билан таъминотини янада ривожлантириш.

II. Умумқасбий тайёргарлик модули

2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб масалалари. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари. Педагогик тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.

2.2. Электрон педагогика асослари.

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча. Ахборот – коммуникация технологияларининг воситалари. Янги ахборот технологиялари, ахборот тизимини бошқариш, ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристикаси. Замонавий комуникация технологиялари. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари, интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш. Ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг

истикболлари. Электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби. Таълимий ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилари, ташувчилари. Ўқитишнинг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишнинг интерфаол технологиялари.

2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информатсион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогик мулоқот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилиятлари. Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараёни технологиялар лойиҳалаштириш.

2.4. Амалий хорижий тил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва мулоқотларни ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг учта асосий даражаси. Сўз бирикмалари атрофида мулоқот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишда, бўш вақтларда бўладиган суҳбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий мулоқот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид мулоқот. Йирик, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўникмаси. Фикрни раво ифодалаш. Чет тилида бўлган интернет матнларининг асосий ғоясини тушуниш. Таржима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

2.5. Тестология асослари.

Тестология тушунчаси. Тестологиянинг тавсифи. Тестология ва унинг

фаолият соҳалари. Тестологиянинг фан сифатида шаклланиш босқичлари.

Тест тузиш методикаси. Тестларнинг турлари, мазмуни ва кўрсаткич нормалари. Тестларнинг стандарт меъёрлари. Ёш нормалари. Гуруҳий нормалар. Нисбий норма. Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон кўрсаткичлари. Ижтимоий-гуманитар ва аниқ-табиий фанлар бўйича тест тузиш тартиби. Тест саволларини Давлат тест марказига тақдим этиш форматлари.

2.6. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳақида тушунча. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади ва вазифалари. Фаолият хавфсизлигини таҳлил қилиш. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг асосий тушунчалари, уларнинг мазмуни. Хавфлар, уларнинг таснифи. Фаолият хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, услублари. Фаолият хавфсизлиги психологияси. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Экологик маърифат ҳақида тушунча. Экологик таълим-тарбия мазмуни, методикаси. Экологик маданият ва уни барқарор тараққиётини таъминлашда тутган ўрни.

2.7. Ахборот хавфсизлиги.

Ахборот хавфсизлиги ва уни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари. Ахборот хавфсизлиги турлари. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Логин ва пароль тушунчаси. Идентификация ва аутентификация. Конфиденциал ахборот. Ахборот хавфсизлигининг концептуал модели. Ахборотларни ҳимоялашнинг криптографик усуллари. Электрон рақамли имзо ва ундан фойдаланиш. Интернет тизимидан олинаётган ахборотларнинг ишончлилиги, ўқув жараёнида Интернет манбаларидан фойдаланиш ва уларнинг ўқув мақсадларига мослиги.

III. Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули

3.1. Давлат кадастрларини яратиш ва юритишнинг долзарб масалалари

Кадастр ишларининг ривожланиш тарихи. Жамятимизда давлат кадастрларининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти. Республикамизда давлат кадастрларини яратиш ва юритишнинг норматив-ҳуқуқий асослари. Давлат кадастрларини яратиш ва юритишда хорижий мамлакатларнинг тажрибалари. Давлат кадастрларини яратиш ва юритишда давлат бошқаруви. Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш. Кадастр объектларига вужудга келган ҳуқуқни ва улар билан боғлиқ

битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш. Кадастр объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш. Кадастр объектларини сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолаш. Кадастр ҳужжатлари. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ҳамда кадастр рақамларини шакллантириш.

3.2. Картографиянинг асосий назарий ва амалий масалалари (Ер кадастр карталарини яратиш истиқболлари).

Мавзули ва комплекс картага олиш. Мавзули соҳавий картага олиш ва атласлар. Комплекс ва тизимли ёндашув асосида табиий ва социал-иқтисодий комплексларни картага олиш ва атласлар. Махсус картага олиш ва атласлар. Мавзули картографияда автоматизация. Курукликни картографик ўрганилганлиги. Ой ва сайёраларни (планеталарни) картага олиш.

3.3. Геодезиянинг асосий назарий ва амалий масалалари.

Модулнинг назарий мавзулари мазмуни. Ернинг шакли ва ўлчамларини замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиб ўрганиш. Геодезик тармоқларни анъанавий ва замонавий усулларда ривожлантириш масалалари. Давлат сунъий йўлдош геодезия тармоқлари, уларни барпо этиш масалалари. Ер усти геодезик-топографик съемкаларни замонавий электрон ўлчам асбоблари ва технологиялардан фойдаланиб бажариш.

Замонавий GPS ва ГЛОНАСС системалари ва улардан геодезик мақсадларда фойдаланиш.

IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули

4.1. Кўчмас мулк объектларини кадастр баҳосини аниқлашнинг замонавий усуллари

Кўчмас мулк объектларини баҳолаш ва қайта баҳолаш норматив – ҳуқуқий асослари. Кўчмас мулк объектларини баҳолаш жараёни босқичлари. Кўчмас мулк объектларини баҳолаш усуллари. Бино ва иншоотлар тикланиш баҳоси яхлит кўрсаткичлари тўпламлари. Кўчмас мулк объектларининг тикланиш баҳосини ҳисоблаш усуллари. Кўчмас мулк объектларини баҳолаш ҳисоботини тузиш тартиби.

4.2. Геодезия, картография ва кадастр йўналишларида инновациялар.

Модул соҳасидаги янгиликлар, техник ва технологик жараённинг ўсиши, соҳадаги янги лойиҳалар. Фан, техника ва ишлаб чиқариш интеграцияси. Мутахассисларнинг инновацион салоҳиятларини

ривожлантириш ва инновацион фаолият тузилмаси. Мутахассислик фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндашувлар.

V. Танлов фанлари модули

Таълим соҳалари йўналишлари бўйича тингловчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб олий таълим муассасаси ҳузуридаги тармоқ марказлари танлов фанлар модулининг таркибий қисми ва мазмунини белгилайди.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш ҳамда олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, Геодезия, картография ва кадастр фанларнинг долзарб муаммолари, шахснинг маънавий камолотини таъминлашда мутахассис фанларнинг ўрни, Геодезия, картография ва кадастр ўқитувчисининг шахсий ахборот майдонини лойиҳалаш, мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти, мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар, илғор хорижий педагогик тажрибалар мавзулари доирасида олиб борилади. Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер сифларида ташкил этилади.

Мустақил соатларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил соатларни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Малакавий иш.
- Тақдимот (танланган мавзу асосида тақдимот тайёрланади).
- Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш.
- Мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаш.
- Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Малакавий иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб, уни бажаришда қуйидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул варағи;
- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;
- фойдаланган адабиётлар рўйхати;
- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни мутоала қилиш;

- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- мультимедия дарслиklarини яратиш мезонлари;
- талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;
- умумгеографик ва мавзули карталарда генерализацияни ўрганиш;
- карта ва атласларни лойihalаш, тузиш ва нашр қилишни бошқаришни ўрганиш;
- карта ва атласларни яратишни замонвий технологияларини ўрганиш;
- Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва қонун ости ҳужжатларини ўрганиш;
- Давлат кадастрларини яратиш ва юритиш бўйича танланган фанларнинг Ўқув ишчи дастурлари лойihalарини тузиш.

Тавсия этилаётган мустақил иш мавзулари:

- Кадрлар тайёрлаш миллий модели.
- Педагогикнинг илмий-тадқиқот методлари.
- Шахснинг ривожланиши, тарбияси ва ижтимоийлашуви.
- Замонавий педагогик технологиялар орқали мутахассислик фанларини ўқитишни лойihalаш.
- Ахборот – коммуникация технологиялари воситаларидан таълим жараёнида фойдаланишнинг истиқболли йўналишлари ва келажаги.
- Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи, намоиш этувчи дастурлар, назорат қилувчи дастурлар, ўргатувчи дастурлар, дастурий воситаларнинг дидактик имкониятлари.
- Эксперт-ўргатувчи тизимлар, автоматлаштирилган ўргатувчи тизимлар, фойдаланувчи ва педагогик-дастурий воситаларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш методлари.
- Педагогик-дастурий воситалар яратиш тамойиллари.
- Педагогик дастурий воситаларда ўқув фаолиятини бошқариш.
- Талабаларда эркин фикрлашни шакллантиришда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг психологик аҳамияти.
- Таълим тарбия ва ақлий тараққиёт.
- Баркамол шахсни тарбиялаш методлари ва йиқналишлари.
- Талабаларнинг ахлоқий маданиятини шакллантиришда ўқув-тарбия жараёни имкониятларидан фойдаланиш.
- Таълим жараёни ягона педагогик тизим сифатида. Таълим тамойиллари.
- Кўчмас мулк объектларини классификациялаш тизими.
- Ер участкасининг абрисини тузиш.
- Ер участкасида ўлчов ишларини олиб бориш.
- Ер участкасининг кадастр планини тузиш.
- Ер участкасининг майдонини ҳисоблаш.

- Бино ва иншоотларни техник инвентаризациядан ўтказиш ва ўлчов ишларини олиб бориш.
- Бино ва иншоотларни техник таърифлаш.
- Бино қаватлари планини тузиш.
- Бино майдонларини ва қурилиш ҳажмини ҳисоблаш.
- Бино ва иншоотлар тикланиш баҳоси яхлит кўрсаткичлари тўпламлари.
- Кўчмас мулк объектларининг тикланиш баҳосини ҳисоблаш.
- Бино ва иншоотларнинг физик емирилиш даражасини аниқлаш.
- Ер участкасининг паспортини тузиш.
- Бино ва иншоотлари техник паспортини тузиш.
- Ер участкасига, бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун маълумотномаларни тузиш.
- Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзга шахсларга ўтиш, чеклаш ва бекор қилишни тасдиқлавчи ҳужжатлар.
- Ер участкаси, бино ва иншоотлар кадастр ва реестр китобларини юртиш тартиби.
- Навбатчи кадастр хариталарини юритиш тартиби.
- Кўчмас мулк объектларини техник хатловдан ўтказиш, баҳолаш, кадастр ҳужжатларини шакллантириш ва вужудга келган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ишларини бажаришда шартномавий муносабатлар.
- Юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган кадастр хизматлари нархларининг юзага келиши.

Дастурнинг инфор­ма­цион-методик таъминоти

Модуллارни ўқитиш жараёнида замонавий методларни, педагогик ва ахборот технологияларни кўллашни:

- модуллارнинг барча маърузалари бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдирот тайёрлашни;
- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни;
- тингловчиларнинг илғор тажрибаларни ўрганишни ва оммалаштиришни назарда тутди.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш—давр талаби, 7 жилд. —Т.: Ўзбекистон. - 1997. И.А.Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қура­миз.— Т.: Ўзбекистон.- 1999.
2. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. — Т.: Ўзбекистон.- 1996.
3. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз,9-жилд— Т.: Ўзбекистон.- 2001.

4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон. -2000.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси фуқоралик кодекси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 29.08.1996 й. 257-I-сон Қарорига мувофиқ 1997 йилнинг 1 мартдан кучга киритилган)
9. Ўзбекистон Республикаси ер кодекси. (ЎЗР 30.04.1998 й. 598-I-сон Қонуни билан тасдиқланган ЎЗР 30.04.1998 й. 599-I-сон Қарори билан амалга киритилган)
10. Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси. (Ўзбекистон Республикасининг 04.04.2002 й. 353-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 04.04.2002 й. 354-II-сон Қарорига мувофиқ амалга киритилган)
11. Ўзбекистон Республикаси уй-жой кодекси (1998 йил 24 декабрдаги 713-I-сон Қонун билан тасдиқланган 1998 йил 24 декабрдаги 714-I-сон Қарор билан амалга киритилган 1999 йил 1 апрелдан амалга киритилган)
12. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастри тўғрисида”ги қонуни. (15.12.2000 й. N 171-II)
13. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни. (28.08.1998 й. N 666-I)
14. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни. (09.04.2009 й. N ЎРҚ-208)
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 483-сонли Қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.02.2005 й. “Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги № 66- сонли Қарори 3- иловаси.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.1997 й. Ўзбекистон Республикаси конлари, фойдали қазилмалари нишонлари

- ва техноген ҳосилаларининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги № 258-сонли Қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.06.1997 й. “Ўзбекистон Республикасида бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тўғрисида”ги № 278-сонли Қарори.
 19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.01.1998 й. “Ўзбекистон Республикасининг давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги № 11-сонли Қарори.
 20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.03.1998 й. “Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги № 104-сонли Қарори.
 21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.1998 й. “Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида”ги № 543-сонли Қарори.
 22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.09.2000 й. “Ўзбекистон Республикаси ўсимлик дунёси объектларнинг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни ва ўзбекистон республикаси ҳайвонот дунёсининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги № 343-сонли Қарори.
 23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.07.2002 й. “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 269-сонли Қарори.
 24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.06.2005 й. “Айрим давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги № 152-сонли Қарори.
 25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.11.2005 й. “Айрим давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги № 250-сонли Қарори.
 26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.11.1999 й. “Гидротехника иншоотларининг кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги № 499-сонли Қарори.
 27. Бино ва иншоотлар ягона классификатори. ГККЙҚ-18-006-97, Тошкент, Ўзгеодезкадастр, 1997 й.
 28. Бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида Йўриқнома. ГККЙМҚ-18-007-97, Тошкент, Ўзгеодезкадастр, Ўзкоммунхизмат” агентлиги, 1997 й.
 29. Аҳоли пунктлари ерлари ягона классификатори. ГККЙНҚ-18-010-98, Тошкент, Ўзгеодезкадастр.
 30. Бино ва иншоотларни кадастр дафтари юритиш тартиби тўғрисида Йўриқнома. ГККЙМҚ-18-012-98, Тошкент, Ўзгеодезкадастр, 1998 й.

- 31.Нотурар бино ва иншоотларни тиклаш нарх кўрсаткичларининг яхлитлашган тўплами. ГKKЙМҚ-18-013-99, Тошкент, Ўзгеодезкадастр, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги, 1999-2008 й.
- 32.Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида Йўриқнома. Ўзгеодезкадастр, Ер ресурслари давлат қўмитаси, 1999 й.
- 33.Кўчмас мулк объектига кадастр йиғма жилдини тузиш тартиби тўғрисида Кўрсатма. ГKKЙМҚ-18-025-99, Тошкент, Ўзгеодезкадастр, 1999
- 34.Аҳоли пунктлари ер участкаларининг чегараларини белгилаш (тиклаш) бўйича қўлланма. Тошкент, Ўзгеодезкадастр, ГKKЙНК-18-032-00, 2000 й.
- 35.Аҳоли пунктларида ер участкаларини кадастр жиҳатдан съёмка қилиш бўйича қўлланма. Тошкент, Ўзгеодезкадастр, ГKKЙМҚ-18-034-00, 2000 й.
- 36.Бино ва иншоотларни жисмонан ва функционал эскиришини аниқлаш услуги. Тошкент, Ўзгеодезкадастр, ГKKЙМҚ-18-037-00, 2001 й.
- 37.Ер участкалари, бино ва иншоотларга кадастр рақамларини бериш ва кадастр худудларига ажратиш тартиби тўғрисида Йўриқнома. ГKKЙМҚ-18-047-02 / РД-11-047-01, Тошкент, Ўзгеодезкадастр, Ер ресурслари давлат қўмитаси, 2002 й.
- 38.Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000 й. -218 б.
- 39.Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўлпон: 2005й. -213 б.
- 40.Белкин А.С., Жаворонкова В.Д., Зими́на И.С. Конфликтология: Наука о гармонии. – Екатеринбург, 1995. -312 с.
- 41.Берлянг А.М. картография. – М.: Аспект Пресс, 2001. – 336с.
- 42.Гимпель Н.Л. Условия продуктивного разрешения педагогического конфликта // Психология обучения. – 2002, №7. с. 12-16.
- 43.Гордон Драйден, Джанет Вос. Революция в обучении. – перевод с англ. – М.: Парвинэ, 2003. – 670 с.
- 44.Гусева А.И. Работа в локальных сетях. - М.: 1996. -218 с.
- 45.Гуломов С.С., А.Х.Абдуллаев. «Виртуальные стенды для имитации функций учебных мастерских и лабораторных установок». МВССО. Т.,2002. -98 с.
- 46.Географическая картография. Взгляд в будущее./ Под ред. Г.И. Рычагов, А.М. Берлянга, В.С. Тихунова. –М.: изд-во МГУ, 1985.-229с.
- 47.Глобальные тенденции развития человечества до 2015 года. «У-Фактория». Екатеринбург. 2002. -119 с.
- 48.Евтеев О.А. Проектирование и составление социально-экономических карт. М.: Изд-во МГУ, 1999. – 224 с.
- 49.Комплексные региональные атласы. /Под ред. К.А. Салищева. –М., МГУ, 1976.

50. Мирзалиев Т., Сафаров Э.Ю., Эгамбердиев А., Корабоев Ж.С. Карташунослик.-Тошкент., Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи., 2012-240 б.
51. Назаров И.Қ. География фанининг асосий муаммолари.-Тошкент: Мухаррир, 2013. -212 б.
52. Сатторов. А. «Информатика ва ахборот технологиялари». - Академик лицей ва касб – хунар коллежлар учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 2002 й. -325 б.
53. Саттаров И., Б.Ғ.Қодиров, У.Ш.Бегимқулов. «Компютерда лаборатория ишлари». Т. :ТДПУ нашриёти. 2002 й. -143 б.
54. Сафаров Э.Ю., Пренов Ш.М. Табиий хариталарни лойиҳалаш ва тузиш Тошкент “Университет”, -2011.
55. Сафаров Э.Ю., Абдурахимов Х.А., Ойматов Р.Қ. Геоинформацион картография, - Тошкент, “Университет” 2012. - 178б.
56. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006 й.- 163 б.
57. Усмонова Э.З. Ўқувчиларда мустақил тафаккурни қандай шакллантириш мумкин? - Т.: ТДПУ, 2000 й. -122 б.
58. Холмуродов Р.И., М.Ҳ, Лутфуллаев. «Замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш», Т., ЎЗРФА «Фан», 2003 й. -176 б.
59. Чернышев А.С. Практикум по решению конфликтных педагогических ситуаций. – М., 1998 г. -221 с.

Интернет маълумотларн:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
3. Ахборот-коммуникатсия технологиялари изохли lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme www.lugat.uz, www.glossaiy.uz
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
5. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
6. <http://www.bank.uz/>
7. www.press-uz.info
8. <http://www.forum.uz/>
9. Ахборот resurs markazi <http://www.assc.uz/>
10. <http://www.xabar.uz>
11. www.ziyonet.uz
12. www.edu.uz